Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

2016-yil
9-fevral,
seshanba,
№ 17
(3678)

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

**Андижон давлат тиббиёт институтида инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси ташкил этилди. Анъанавий тадбирнинг институт босқичида оналик ва болалик муҳофазаси, кардиологик, ноинфекцион ҳамда ички касалликлар профилактикаси, жарроҳлик, травматология ва ҳарбий дала жарроҳлиги йўналишлари бўйича 63 та истиқболли лойиҳа кўриб чиқилди.**







## Интеллектуал салоҳият маҳсули

Тадбир асноси давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори салоҳиятли йигит-қизларнинг иқтидорини юзага чиқаришда муҳим аҳамият касб этаётгани алоҳида таъкидланди.

Кўргазмада мутлақо янги ғоя, техник ишланма ва ихтироларнинг намойишга қўйилгани, муаллифларнинг аксарияти мустақил тадқиқотчилар ҳамда талабалар эканлиги барчада катта қизиқиш уйғотди. Масалан, талаба Аҳрорбек Нуриддинов қулоқ, бурун ва томоқ касалликларини даволашда фойдаланиладиган «Tones-1» номли қайчи ихтиро қилди. Тиббий асбоб болаларда кўп учрайдиган сурункали тонзилитни жарроҳлик йўли билан даволашда юзага келувчи салбий оқибатларни камайтириш хусусиятига эга.

Акушерлик ва гинекология кафедраси ассистенти Саодат Шокированинг лойиҳаси эса ҳомиладорлик асоратланишининг прогнози ва диагностикасини такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, Андижон шаҳридаги тиббий муассасаларда олиб борилган дастлабки тажрибаларда ижобий натижалар кўзга ташланаётир.

Ёш олим Муҳаммадяҳё Тешабоевнинг «Юз ва бўйин соҳаси куйган беморларни жарроҳлик йўли билан даволаш» мавзуидаги илмий иши ҳам мутахассислар томонидан юқори баҳоланмоқда.

— Институтимизда ёш ихтирочилар клуби фаолиятининг йўлга қўйилгани бўлажак олимларни тарбиялашда муҳим ўрин тутяпти, — дейди илмий ишлар бўйича проректор Ғуломжон Ҳожиматов. — Клуб аъзоларининг ҳар бирига юқори малакали раҳбарлар бириктирилган. Ярмаркага тақдим этиладиган ҳар бир янгилик замонавий тиббиёт талабига жавоб бериши, амалиётга татбиқ этишга тайёр бўлиши зарур деган қоида ихтирочи талабанинг ҳам, раҳбарнинг ҳам асосий тамойилига айланган.

Ҳайъат аъзолари томонидан "Энг фаол ёш илмий тадқиқотчи", "Энг фаол илмий тадқиқотчи аёл", "Энг оригинал лойиҳа муаллифи" сингари қатор номинациялар бўйича ғолиблар аниқланиб, диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Ярмаркада Андижон вилояти ҳокими Шуҳратбек Абдураҳмонов иштирок этди ва сўзга чиқди.

**Нурилло НЎЪМОНОВ,**
**«Ishonch» мухбири.**
*Азаматжон ТОШМАТОВ олган суратлар.*

Муносабат

## Жамият барқарорлигининг муҳим омили

**Президентимиз Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи жойларда кенг ўрганилмоқда**

Мамлакатимиз мустақил тараққиётининг чорак асри давомида нафақат иқтисодий жиҳатдан барқарор, балки ўзига хос адолатли жамият барпо этаётган давлат сифатида дунёга танилди. Бунда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти" сари тамойилининг ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Зеро, бунинг моҳиятида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинадиган, юртдошларимиз салоҳиятини юзага чиқариш учун зарур шарт-шароитларни таъминлайдиган кучли, адолатли ва очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш муҳим мезон этиб белгиланган.

Юртимизда жамоатчилик назорати институти қарор топгани барча соҳаларда очиқлик, ошкоралик, шаффофлик таъминланиши, пировардида одилона иш юритилишига кенг йўл очмоқда. Бунга жаҳон амалиётида биринчи бўлиб Ўзбекистоннинг Асосий қонунида ушбу институт ҳуқуқий мақоми мустаҳкамлангани пухта замин яратди.

Кўриниб турибдики, бундай шароитда қилинаётган ҳар бир иш жамоатчилик эътиборида бўлади. Бу жараён ўзини шу заминнинг фарзанди деб билган ҳар бир инсон, айниқса, раҳбар кадрлар зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Улар элюртни ўйласа, унинг фаровонлиги, тинчлиги, келажаги учун фидойилик кўрсатса, бу ҳеч қачон давлатнинг, асосийси, халқ назаридан четда қолмайди.

Президентимизнинг халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқини тинглаб, шу фикрлар хаёлимдан ўтди. Кейинги уч йилда вилоятимиз бўйича юз нафарга яқин элимизнинг муносиб фарзандлари Ватанимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирлангани бунинг амалий ифодаси эмасми?

Бундай хайрли ишлар миқёси мамлакатимиз бўйлаб янада кенг. Дилида ватанпарварлик, қалбида иймони бор одам борки, ана шундай инсонларга ҳавас қилади, улардан ибрат олади.

Шу ўринда алоҳида таъкидламоқчиманки, мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб давлатимиз раҳбари жамиятда адолат барқарорлигини таъминлаш, бунда мансабдор шахс масъулияти ҳақида доимо қатъий талабларни қўйиб келган. "Халқ ҳар қандай қийинчиликка бардош бериши мумкин, аммо адолатсизликка чидай олмайди!", деган фикрлари қанчалик халқчил, одамлар кўнглидаги гап эканлигини таърифлашнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Масъулиятли лавозим ишониб топширилаётган шахслар буни кўнглига, виждонига жо этса, ҳеч қачон адашмайди. Вилоятимизда шу борада айрим нохуш ҳолатларга йўл қўйилгани, кўпгина йўналишларда ечилмаган муаммолар, камчилик ва нуқсонларнинг танқид остига олингани таассуфланарлидир.

Зеро, заминимиз ҳақиқатан катта ресурсларга жуда бой. Булардан унумли фойдаланиш, фаолиятимизни замон талаб қилаётган даражада ташкил қилиш зарур. Бу борада вилоятнинг кенг жамоатчилиги юқорида айтиб ўтилганидек, жамоат назорати институти ваколат ва имкониятларидан ўз ўрнида фойдаланишни янада кенгайтириши мақсадга мувофиқ.

Президентимиз вилоятимизнинг ерлари ҳақида жуда ўринли фикрни билдирди. Дарҳақиқат, "тупроғи зар" деган таъриф кўпроқ бизнинг заминга тегишли. Шўрланмаган, ён-атрофи етарлича сув манбаларига эга энг унумдор ерлардан унумли фойдаланиш, бу борада барча ресурсларни ишга солиш зарур.

Ернинг тилини биладиган мутахассисларнинг ёнига аграр соҳага оид замонавий билимларни чуқур эгаллаётган ёшларни, маҳсулотларни қайта ишлаш соҳасининг етук мутахассисларини жалб қилиш, уларнинг фаолиятини бирлаштириш фойдадан холи бўлмайди.

Бир сўз билан айтганда, Юртбошимизнинг аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, бу йўлда барча куч ва имкониятларни сафарбар этиш, масъул шахсларнинг бурч ва масъулияти ҳақидаги фикрларидан тўғри хулоса чиқарилиши керак. Бу борада фаоллар, жамоатчилик, бутун аҳоли қўлни-қўлга бериб фидокорона меҳнат қилиши шарт.

**Нурмуҳаммад АБДУЛЛАЕВ,**
**«Нуроний» жамғармаси Тошкент вилояти бўлими раиси.**
**ЎзА**

Алишер Навоий таваллудига 575 йил тўлди

## Саховат салтанатининг султони

**Алишер Навоий хайру саховат тажассуми, меҳру муҳаббат тимсоли, ҳомийлар ҳомийси бўлган зотдир. Саховатни бир боғ тарзида тасаввур этсак, Навоий бу боғнинг боғбони, бир мулк деб билсак, Навоий унинг соҳиби, бир салтанат десак, Навоий бу салтанатнинг султонидир.**

Миллат фахри Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига, ижодига нигоҳ ташласак, бунёдкорлик, хайру саховат, меҳру муҳаббат, эзгулик, одамларнинг оғирини енгил қилиш, дардига малҳам бўлиш, истеъдод соҳибларини, умуман, барча соҳадаги меҳнат аҳлини муттасил ва фаол қўллаб-қувватлаш бу фидойи инсон умрининг мазмун-моҳиятига, ижодининг асосий тамойилига айланиб кетганлигининг гувоҳи бўламиз.

Машҳур муаррих Мирхонд "Равзат ус-сафо" ("Поклик боғи") асарида: "Хайру эҳсон, латофат ва кўнгил зарофати бобида амир Алишернинг тенги йўқ...", — деб ёзган эди.

(4).



Истиқлол берган имкон

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ:

## Эртанги кунга ишончи юксак

**30 дан зиёд миллат ва элат вакиллари оға-инилардек умргузаронлик қилаётган Навоий вилояти аҳли истиқлол берган имкониятлардан унумли фойдаланиб, эртанги кунга юксак ишонч билан қадам ташлаётир. Ҳозирда вилоятда юзлаб саноат корхоналари, минглаб кичик бизнес субъектлари барқарор фаолият кўрсатмоқда.**

Мустақиллик юртдошларимиз тақдирини буткул ўзгартирди. Шу ҳаётбахш, энг улуғ неъмат туфайли Навоийда ҳам улканислоҳотлар, бунёдкорликлар бошлаб юборилди. Бугун юртимиз обрўсига обрў қўшаётган 999.9 тамғали сифатли олтин Навоий кон металлургия комбинатининг фидойи ишчилари томонидан ишлаб чиқарилмоқда.

"Қизилқумцемент" акциядорлик жамиятининг дунё бозорида юқори сифати билан етакчилик қилаётган маҳсулотларидан қурилиш соҳасида кенг фойдаланилмоқда. Ёки "Навоийазот" АЖ томонидан мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган кимё маҳсулотларининг 30 фоиздан зиёди етказиб берилаётганини айтиш мумкин. Навоийда мустақилликнинг дастлабки кунларида саноат корхоналари 110 тани ташкил этган бўлса, улар сони ҳозирда 1400 дан ошиб кетди. Шунга мос равишда иқтисодий кўрсаткичлар ҳам яхшиланиб бормоқда. Бундай корхоналарда меҳнат қилаётганларнинг қарийб 65 фоизи ёшлар эканлиги қувонарли.

(3).

Фаровонлик

## Қишда ҳам ёздагидек

**Бухоро шаҳридаги деҳқон бозорларининг қай бирига кирманг, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сероблигини кўриб, кўзингиз қувнайди. Муҳими, қиш палласида ҳам пештахталар, савдо расталари, махсус савдо дўконлари ёздагидай тўлиб-тошган.**

"Бухоро марказий деҳқон бозори"да бўлганимизда бир гуруҳ хорижлик меҳмонларни учратиб, суҳбатга тортдик

— Ҳар гал азим шаҳарга келганимизда, энг аввало, табаррук қадамжоларни зиёрат қиламиз, кейин бозорларини кўздан кечирамиз, — деди меҳмон отахон. — Бундан ўн йил илгари ёз фаслида шу бозорга келгандик. Унинг ўрнида бунёд этилган янги ҳашаматли бозордаги шароит, тўкинликни кўриб ҳайрон қолдик. Яратганнинг ўзи меҳрини, баракасини тўкиб берибди. Кўз тегмасин...

(3).



Муҳим мавзуларга бағишланди

>> 2



Оммавийлик ва маҳорат кўриги

>> 3



«Одамий эрсанг...»

>> 4

Ижтимоий шериклик

# Тармоқ келишувлари муҳокамаси

**Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази билан 2015 – 2017 йиллар учун тузилган тармоқ келишувлари ижтимоий шерикликдаги фаолиятда муҳим аҳамият касб этмоқда.**

Эътиборли жиҳати, тармоқ келишувлари ижросини ҳар йили муҳокама қилиб бориш ҳамда тарафлар, айниқса, иш берувчи ҳисоботини таъминлаш асосий вазифалардан бирига айланган. Шу муносабат билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Ўқув марказида тармоқ келишувларининг 2015 йилда бажарилиши муҳокамасига бағишланган қўшма йиғилиш ўтказилди. Уни тармоқ Республика кенгаши раиси Равшан Бедилов олиб борди.



Тармоқ келишувларининг тарафлари, яъни иш берувчиларнинг вакиллари Халқ таълими вазирининг ўринбосари Дилшод Кенжаев, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи Музаффар Комилов, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги бошқарма бошлиғи Жамолиддин Узоқов, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази бош мутахассиси Дўстмурод Бодиевлар тармоқ келишувлари ижроси юзасидан тизимда ўтган йил давомида олиб борилган ишлар юзасидан маъруза қилишди. Шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири Равшан Самарбеков мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонунига кўра ижтимоий шериклик асосида давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари томонидан ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш, жамоатчилик назоратини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2014–2016 йиллар учун имзоланган Бош келишувда ҳам меҳнат қонунчилиги бузилишларининг олдини олиш бўйича тегишли вазирлик ва идоралар билан касаба уюшма ташкилотларининг тизимли ҳамкорлигини йўлга қўйиш вазифаси кўрсатилган.

Кўриниб турибдики, тармоқ келишувлари муҳим аҳамиятга молик бўлиб, унинг ижросини таъминлаш катта масъулият талаб этади. Вазирлик ва идораларда тармоқ келишувлари, ташкилот ва муассасаларда жамоа шартномалари имзоланиши ходимларнинг ижтимоий ҳимояси, уларнинг меҳнат ҳуқуқлари ҳимояси кафолати сифатида ҳам доимий диққат-эътиборга сазовордир.

— Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар ўртасида 7 та тармоқ келишуви имзоланган бўлиб, бугунги йиғилишимизда 4 та тармоқ келишувининг ўтган йилдаги ижроси муҳокама этилди, — дейди тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича бош мутахассиси Лазокат Турикова. — Тез кунда "Ўзбектуризм" миллий компанияси, Ўзбекистон Бадиий академияси ва "Ўзбеккино" миллий агентлиги билан тармоқ келишувлари ижроси юзасидан ҳам қўшма йиғилиш ўтказиш режалаштирилган.

Йиғилишда қайд этилганидек, тармоқ келишувлари ва жамоа шартномалари муҳокамасига бағишланган йиғилишларда иш берувчининг ҳисоботи муҳим ҳисобланади. Жумладан, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва унинг тасарруфидаги муассасалар томонидан тармоқ келишуви ижроси таъминланди. Ходимларни ижтимоий ҳимоясига етарлича эътибор қаратилиб, ижтимоий дастурларда фаол иштирок этилди. Халқ таълими вазирлиги билан ҳам кўпгина хайрли ишлар амалга оширилди. Меҳнатга ҳақ тўлаш, ходимларни Директор жамғармаси ҳамда касаба уюшмаси ҳисобидан рағбатлантириш ишлари етарлича амалга оширилди. Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан тармоқ Республика кенгаши ҳисобидан педагогларга 50 дан зиёд бепул йўлланмалар берилди. Вазирлик аппаратида маъмурият ва касаба уюшмаси қўмитаси ўртасида янги муддатга мўлжалланган жамоа шартномаси имзоланди.

Ҳамкорликнинг асосий йўналишларидан бири, бу халқаро меҳнат стандартларининг таълим муассасаларида татбиқ қилинишига алоҳида эътибор қаратилаётганлигидир. Бу борада тармоқ Республика кенгаши ташаббуси билан халқ таълими муассасаларида мунтазам равишда ўқув-семинарлар ташкил қилинди. Тармоқ Республика кенгашига келиб тушган мурожаатларнинг 60 фоизи халқ таълими муассасаларидан бўлиб, уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилаётир.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан ҳамкорликдаги фаолият ҳам амалий натижасини берди. Касаба уюшмаси томонидан уюштирилган ҳар бир тадбирда вазирлик иштироки таъминланди. Вазирлик томонидан ташкил қилинган кўплаб тадбирларда эса касаба уюшмаси яқин ҳамкорлик қилди. Меҳнат муносабатларига бағишланган ўқув-семинарлар биргаликда ташкил қилиниб, маданият ташкилотлари фаолиятини ўрганишда ҳам Республика кенгаши мутахассислари жалб қилинди.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази билан асосий ҳамкорлик коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш, уларнинг иш жойларида қўнимлилигини таъминланиш бўйича жамоат назоратига қаратилди. Марказ қошидаги малака ошириш институтида ҳар ойда ўтказилаётган меҳнат муносабатларига оид семинарлар, мавжуд муаммолар ечимига оид иш берувчилар билан юзма-юз мулоқотлар ижобий самара бермоқда. Жорий йилда касаба уюшмалари бюджети ҳисобидан ҳар бир туманда коллеж битирувчилари учун 25 тадан янги иш ўрни яратиш режалаштирилган бўлиб, ушбу хайрли тадбирни амалга ошириш учун чора-тадбирлар, манзилли дастурлар ишлаб чиқилаётир.

Қўшма йиғилишда касаба уюшмаси фаолларидан тушган саволларга вазирликлар мутахассислари томонидан атрофлича жавоб берилди.

Йиғилиш сўнгида тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ўз мухбиримиз.**

*Икром ҲАСАНОВ олган сурат.*

Раёсат йиғилиши

**Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раёсатининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Республика кенгаши раиси Мавжуда Халилова олиб борди.**
**Кун тартибидаги биринчи масала — тармоқ касаба уюшмасининг 2015 йил давомидаги фаолияти якунлари ҳамда республикани 2016 йилда ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси VII Қурултойи, тармоқ касаба уюшмаси II Қурултойи қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар хусусида батафсил тўхталиб ўтилди.**

# Ходимлар манфаати устувор

Таъкидланганидек, тизимда Бош келишув асосида 2015-2017 йиллар учун тузилган тармоқ келишуви ва корхоналарда имзоланган жамоа шартномалари амал қилмоқда. Тармоқ касаба уюшмаси томонидан иш берувчилар билан ижтимоий шериклик муносабатларини ўрнатиш ҳамда амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган меъёр ва талабларни жамоа шартномалари орқали амалиётга жорий этиш борасида сезиларли ишлар қилинди.

Ҳисобот йилида тармоқ касаба уюшмаси органларига юридик ва жисмоний шахслардан 2659 та, шулардан 2010 та ёзма, 587 та оғзаки, "Ишонч телефони" орқали 61 та мурожаат бўлган. Уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилди.

Меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида юртимизда шаклланган миллий қадриятлар мазмун-моҳиятини, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, турли акциялар ўтказиш орқали эҳтиёжманд фуқаролар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш йўналишидаги фаолиятга алоҳида эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, «Кексаларни эъзозлаш йили» дастурини ҳаётга татбиқ қилишда фаол иштирок этилди. Дастур ижроси учун касаба уюшма ташкилотлари ва иш берувчилар ижтимоий шериклигида қарийб 79 млрд. сўм маблағ йўналтирилди. Шунингдек, корхона, ташкилот ва муассасаларда имзоланган жамоа шартнома ва келишувлари орқали 4905 нафар фуқарога ҳамда 2546 та оилага 6 млрд. 511 млн. сўмлик ижтимоий кўмак берилди.

Кексалар, аввалламбор, 1941–1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ёши улуғ инсонлар, биринчи навбатда, ёлғиз қариялар ва ногиронларга кўрсатиладиган ижтимоий ва маиший хизматлар рўйхатини кенгайтириш, уларни фаровон ва муносиб турмуш шароити билан таъминлаш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш миқёсини ошириш мақсадида касаба уюшмаси ва иш берувчилар томонидан бир қатор ишлар олиб борилди. Жумладан, "Қўнғирот сода заводи", "Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи" УКлари, "Биокимё", "Аммофос-Максам", "Навоий электрокимё заводи" АЖлари ва кўпгина бошқа ташкилотларда кексалар, уруш қатнашчилари ҳамда меҳнат фахрийлари билан учрашув, давра суҳбати ва ижодий кечалар ташкил этилди.

Фахрийлар ва ёши улуғ инсонларга тиббий ҳамда ижтимоий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, уларни тизимли асосда соғломлаштиришни ташкил этиш, профилактика тадбирларини кўпайтириш, даволашнинг замонавий усуллари билан қамраб олиш ва улардан фойдаланишни кенгайтириш, кексалар ва ногиронларни ёрдамчи ҳамда техник реабилитация воситалари билан таъминлаш, жумладан, кексаларга хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган санаторий-профилакторийларда имтиёзли йўлланмалар билан соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

"Ҳар бир инсон меҳр-эътибор оғушида" чора-тадбирларини амалга ошириш доирасида меҳнат жамоаларида уруш ва меҳнат фахрийлари иштирокида "Сиз доим эъзоздасиз", "Қариси бор уйнинг париси бор", "Кексаларни ардоқлаган юрт", "Фахрийлар — фахримиз" мавзуларида маънавий-маърифий учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этилди. Ёш авлоднинг маънавий ва ахлоқий тарбиясига кўмаклашиш, уларда миллий ғурур ҳиссини шакллантиришда, албатта, бу каби тадбирларнинг ўрни катта.

Ҳисобот йилида ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини сифатли соғломлаштириш ҳамда дам олдиришга қаратилган аниқ мақсадли ва манзилли ишлар амалга оширилди. Тармоқ тизимидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган ходимларни оммавий спортга кенг жалб қилиш мақсадида Федерация Кенгаши томонидан ташкил этилган "Касаба-тур" спартакиадасида 60 дан ортиқ ҳаваскор велоспортчилар иштирок этди.

Ўтган йил учун белгиланган устувор йўналишлар доирасида олиб борилган ишларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш орқали жамоатчилик билан алоқаларни янада кучайтириш, касаба уюшма фаолияти очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашга жиддий эътибор қаратилди.

Йиғилишда амалга оширилган ишлар билан бир қаторда йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳам танқидий муҳокама этилиб, уларни бартараф этиш юзасидан вазифалар белгилаб олинди.

Раёсат йиғилишида тармоқ касаба уюшмаси фаолиятига оид яна қатор масалалар кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ўз мухбиримиз**

Сарҳисоб

# Фаолият таҳлил этилди

**Шу куни Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг навбатдаги раёсат йиғилиши ҳам бўлиб ўтди. Уни Республика кенгаши раиси Равшан Бедилов олиб борди.**
**Йиғилишда 2015 йил давомида олиб борилган фаолият якунлари ҳақида батафсил ахборот берилди. Шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг VII ҳамда тармоқ касаба уюшмаси IV Қурултойлари қарорлари ижросига оид вазифаларга батафсил тўхтаб ўтилди.**

Қайд этилганидек, ўтган йилда ижтимоий шерикликни кучайтириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар ўз натижасини берди. Айни пайтда корхона ва ташкилотларда имзоланган жамоа шартномалари 17 782 тани ташкил килиб, юридик шахсларнинг 99,5 фоизи жамоа-шартномавий муносабатлар билан қамраб олинган. Нодавлат секторга қарашли 610 та ташкилот аъзоликка қабул қилиниб, уларда меҳнат қилаётган 6000 нафардан зиёд ходимнинг ҳимояси таъминланди.

Ҳисобот даврида ЎзКУФК Ўқув марказида тармоқ касаба уюшмаси туман ва шаҳар кенгашларининг 50 нафар раислари, 50 нафар бухгалтер ва 50 нафар бошланғич касаба уюшма ташкилот раисларининг малакаси оширилди. Бундан ташқари, Халқаро меҳнат ташкилотининг мамлакатимизда ратификация қилинган Конвенциялари ижросини таъминлаш мақсадида тармоқ томонидан мунтазам семинар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда. А.Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида ҳар ойда халқ таълими тизимидаги муассасалар иш берувчилари учун халқаро меҳнат стандартларини татбиқ этиш, меҳнат муносабатларини тартибга солиш ва ходимлар учун хавфсиз меҳнат шароитини яратиш масалаларига оид ўқувлар ташкил қилиниб, унда тармоқ Республика кенгашининг масъул ходимлари маърузалар билан қатнашди.

Бу каби давра суҳбатлари ўтган йил давомида Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази ҳамда Ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими раҳбар ходимлари малакасини ошириш институти ўқув дастурига ҳам киритилди. Ўқув-семинарлар ўтган йил давомида Республика кенгаши аппарати ходимлари томонидан ҳудудларда ҳам ташкил қилиниб, меҳнатга оид муносабатларни тартибга солиш бўйича амалий ёрдам берилиши йўлга қўйилганлиги айни муддао бўлди. Бундан ташқари, тармоқ Республика кенгаши мутахассислари иштирокида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан сентябр ойида тизимда фаолият кўрсатаётган иш берувчилар ва кадрлар бўлими мудирлари учун ўқув-семинар уюштирилди.

Бугина эмас. Янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларини амалга ошириш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштиришга кўмаклашиш ва уларнинг иш жойларида қўнимлилигини назорат қилиш борасида аниқ вазифалар асосида иш олиб борилди. Тармоқ касаба уюшмалари томонидан 800 дан ортиқ хўжалик субъектида 6 минг 800 га яқин янги иш ўрни яратилганлиги ўрганилди. Аҳоли бандлиги таъминланиши устидан жамоатчилик назорати доирасида 200 минг нафардан ортиқ коллеж битирувчиларининг ишга жойлаштирилиши, шунингдек, улардан 3 минг нафардан ортиғининг иш жойларида қўнимлилиги мониторинг қилинди.

Кексаларни эъзозлаш йилида касаба уюшмалари томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, коммунал хизматларини тўлаб бериш, уй-жойларини таъмирлаш каби масалаларда 5917 нафар нуронийга кўмак берилди. 334 нафар кекса ёшдаги меҳнат фахрийлари жамоа шартномалари орқали тизим санаторийларида бепул соғломлаштирилди. 3361 нафар ходимга пенсияга чиқиш муносабати билан бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. 4393 нафар пенсия ёшигача ва пенсия ёшида бўлган шахсларга юбилей саналари муносабати билан совғалар топширилди. 4057 нафар пенсионерга моддий ёрдам кўрсатилди.

Ҳисобот йилида тармоқ касаба уюшма тизимида меҳнаткашларнинг, жумладан, ёшлар ва аёлларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш соҳасидаги ишлар кучайтирилишига эришилди.

Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини сифатли соғломлаштириш ҳамда дам олдиришни ташкил қилиш соҳасидаги ишлар тизимли равишда давом эттирилди. Тизим санаторийларида аъзолар мунтазам соғломлаштирилиб, йўлланмаларнинг 45 фоизи имтиёзли, 8 фоизи эса бепул қилиб берилди. Болаларни ёзги соғломлаштириш мавсуми ҳам уюшқоқлик билан ўтказилиб, ходимларнинг 150 мингдан ортиқ фарзанди дам олдирилди.

Раёсат йиғилишида яна қатор масалалар муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ўз мухбиримиз**

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

**Президентимизнинг 2015 йил 23 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида»ги Қарори асосида Самарқанд вилояти Мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида ёшларни муддатли ҳарбий хизматга кузатиш тадбири бўлиб ўтди.**

# Аскарлик шарафи

Унда Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзоси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Т.Нарбаева, вилоят ҳокими ўринбосари Х.Хўжаёров, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Н.Раббимова, Марказий округ қўшинлари қўмондонининг жанговар тайёргарлик бўйича ўринбосари Б.Абдуваҳобов ва бошқа масъул ташкилотлар раҳбарлари, шунингдек, муддатли ҳарбий хизматга юборилаётган ёшлар (ҳарбий хизматчилар) ҳамда уларнинг ота-оналари, яқин қариндошлари иштирок этишди.



Йигитлик бурчини адо этишдек шарафли вазифага отланган 144 нафар йигитнинг ҳар бирига Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан хизматда керак бўладиган маиший тўпламлар тақдим этилди. Шу билан бирга, Самарқанд вилоят ҳокимлигининг ҳам эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда эл севган санъаткорлар ва бадиий жамоалар иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

**Сардор ЯКУБОВ,**
**ЎзКУФК етакчи мутахассиси**

Маънавият соати

# Муҳим мавзуларга бағишланди

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан «Огоҳлик — давр талаби» ва «Солиқ қонунчилигидаги янгиликлар» мавзуларида Маънавият соати ўтказилди. Унда Федерация Кенгаши, тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари, Тошкент шаҳри ва вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмалари аппарати, Санатор-курортлар бошқармаси ходимлари иштирок этди.**

Дастлаб «Ўзбеккино» миллий агентлиги томонидан суратга олинган «Фитна» филми намойиш этилди. Шундан сўнг Вазирлар Маҳкамаси Дин ишлари бўйича қўмитаси мутахассиси Маъмуржон Толипов мавзу юзасидан маъруза қилиб, ушбу филмда акс этган ҳолатларга тўхталди. Огоҳлик давр талаби эканлиги, айниқса, ёшларни турли бузғунчи ғоялардан асраш ҳамда юртимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш ҳар бир онгли инсоннинг бурчи эканлиги таъкидланди.

2016 йилги солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақида Давлат солиқ қўмитаси мутахассиси Содиқ Боймуродов батафсил сўз юритди.

Тадбирда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

**Ўз мухбиримиз**



*Икром ХАСАНОВ олган сурат.*

# Саховат салтанатининг султони

(1).

Навоийнинг моддий ва маънавий мададидан бахраманд бўлган илму фан, адабиёт ва санъат аҳлининг ҳисобига етиб бўлмайди. "Аҳли фазл ва аҳли ҳунарға Алишербекча мурабби ва муқаввий маълум эрмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай", — деб ёзади бу ҳақда Бобур.

Навоийнинг бир кунлик даромади 18 минг шоҳрухий динор миқдорида бўлган. Лекин у ёлғиз ўзининг эҳтиёжидан ортиқ барча маблағини хайрия ишларига сарф этган. У турли шаҳарларда кўплаб мадрасалар, 17 масжид, 10 хонақоҳ, 52 работ, 20 ҳовуз, 16 кўприк, 9 ҳаммом, 2 тўғон ва бошқа қатор бино ва иншоотларни қурдирган ёки қайтадан таъмирлатган. Улар орасида Ҳиротдаги "Ихлосия", "Низомия" мадрасалари, "Халосия" хонақоҳи, "Шифоия" шифохонаси, Қуръон тиловат қилувчиларга мўлжалланган "Дор ул-ҳуффоз" биноси, Марвдаги "Хусравия" мадрасаси ва бошқа нодир меъморчилик ёдгорликлари бор.



Навоий ариқ ва ҳовузлар қазиш ишларига ҳам ҳамиша алоҳида аҳамият берган. Унинг 19 та катта ҳовуз ёки сув омборлари бунёд этгани, сувсиз ерларга сув чиқаришга бош-қош бўлгани бунинг ёрқин далилидир. Жумладан, Тус вилоятининг Чашмаи Гулистон боғидан Машҳадгача бўлган 70-80 км. лик канал асосан Навоий маблағи асосига қазилган. Бу ишга давлат маблағ ажратмай қўйгач, Навоий унга кетадиган барча харажатни ўз бўйнига олади.

Муаррихлар Навоий қурдирган ва таъмирлатган бино, иншоот, масжид, мадраса, хайрия муассасалари, работ, кўприк, мақбараларнинг умумий миқдорини 360 дан ортиқ деб кўрсатадилар.

1500 йилнинг августида Ҳусайн Бойқаро Мозандаронда бўлганида харажатлари учун халқдан 100 минг динор кепакий солиқ йиғиб юборишга фармон беради. Ҳали ҳосилини йиғиб олмаган фуқаро учун бу солиқ оғирлик қилишини айтиб, Навоий ўз ҳисобидан уни тўлайди.

Навоий ўзи қурдирган мадраса ва хонақоҳларда истиқомат қилувчиларни озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа зарур нарсалар билан ҳам таъминлаб турган. Бу ерларда ҳар куни мискин-бечораларга таом тарқатилган, турли ёрдамлар кўрсатилган. Айниқса, ҳайитларда, рамазон ойида Навоийнинг хайру саховати чегара билмасди.

Меҳру мурувват, хайру саховатда ўзи намуна бўлган Навоий ёзган асарлари орқали ҳам кишиларни яхшилик қилишга, бир-бирини қўллаб-қувватлашга чақирган. Чунончи, "Маҳбуб ул-қулуб" асарида саховат ва ҳиммат бобида алоҳида фикр юритиб, саховатни инсоният боғининг мевали дарахтига ўхшатади, одамийлик мамлакатининг мавжи уммонига, бу уммоннинг бебаҳо гавҳарига қиёс қилади. Шоирнинг ёзишича, бахил кимса улуғлардан бўлса ҳам, жаннатга киролмайди, аксинча, сахий киши дўзахга тушмайди. Саховат — инсоннинг жисми бўлса, ҳиммат — унинг жони ва дунёдаги барча эзгуликлар олиҳиммат кишилар туфайлидир.

Навоий бошқаларни ҳам хайру саховатга даъват қилиб, карам туфайли жавонмард камбағал бўлиб қолмайди, сахийнинг юзидаги ажинлар эҳсон қилгани учун эмас, чунки сепган билан дарёнинг суви, сочган билан қуёшнинг нури камаймайди, дейди.



**Эргаш ОЧИЛОВ,**
**филология фанлари номзоди**

## ОИЛАНИНГ ДАВЛАТИ ВА БАХТИ...

*Ҳазрат Мир Алишер Навоий аёлнинг ҳаётимизда тутган ўрни, бетакрор фазилати, гўзаллигини бадиий ифодалашга, сўз воситасида рангин лаҳзаларда чизиб беришга интилган. Унинг хоҳ лирик, хоҳ насрий тизмаларига мурожаат этмайлик, аёлларнинг мукаммал тимсолларига тўқнашаверамиз. Меҳинбону, Дилором, Ширин, Лайли...*

«Яхши хотин, — деб ёзади Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» асарида, — оиланинг давлати ва бахти. Уйнинг озодалиги ундан, уй эгасининг хотиржам ва осойишталиги ундан. Ҳуснли бўлса — кўнгил озиғи, хушмуомала бўлса — жон озиғи. Оқила бўлса рўзғорда тартиб-интизом бўлади, уй анжомлари покиза ва саранжом туради.

Киши бу каби жуфти ҳалолга эришса, ғам ва кулфатда сирдошга, ошкор ва пинҳоний дард-аламда ҳамнафас маҳрамга эга бўлади. Турмушда бошингга ҳар қандай жафо тушса, ҳамфикринг у, тескари айланувчи фалакдан бошингга ҳар бало келса, кўмакдошинг у».

Навоий ижодидаги аёл тимсолларидан бири — «Хамса»даги Меҳинбонудир. Меҳинбону адолатли ҳоким, у мамлакат ободлиги ва халқ тинчлиги учун курашади. Шунингдек, илмни қадрловчи маърифатли аёл. Халқи, фарзандларини илмли қилишга ҳаракат қилади. Меҳинбону саройидаги ўн қиз тасвирига бағишланган мисралар Навоийнинг аёлларни комила таърифлашга интилишининг ифодаси дейиш мумкин:

***Бири ашъор баҳри ичра ғаввос,***
***Бири адвор даври ичра раққос.***
***Бири мантиқ русумида рақамкаш,***
***Бири ҳайъат русумида қаламкаш.***
***Бу фанларда бўлар бир-биридан аҳсан,***
***Юз ул фанлик аро ҳар қайси якфан.***

Навоий «Лайли ва Мажнун» достонида Лайлига, «Сабъаи сайёр» достонида Дилоромга шундай таърифу тавсифлар берадики, бу шоирнинг аёл зотига бўлган чексиз ҳурмат ва эҳтиромининг ифодасидир.

**Маликжон БОБОРАҲИМОВ,**
**филология фанлари номзоди**

*Дунёда шоир кўп. Аммо улар орасида шундай бир зот борки, ўз ижоди билан офтоб мисол инсоният маънавияти гулшанини зиёга тўлдириб турибди. У — мутафаккир шоир Алишер Навоийдир.*

# «Одамий эрсанг...»

Президентимиз айтганларидек, «Агар бу зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак шоирларнинг султонидир».

Алишер Навоий беназир тарихчи, тилшунос, адабиётшунос, ислом ва тасаввуф олими, таржимон ҳам. «Лисон ут-тайр» достонида таъкидланишича, унинг шеърий мероси 100 минг байтдан иборат. Бунга насрий, илмий ва тарихий асарлари ҳам қўшилса, шоир мероси қанчалик салмоқли экани кўзга ташланади.

Ўзбек адабиётида ёшлар маънавияти масаласида ҳеч ким Навоийдек юксак чўққига чиқа олган эмас. Донишманд шоир ўлмас асарлари орқали ёшларни ҳам маънавий, ҳам жисмоний баркамол, Ватанга содиқ фарзанд бўлишга, турли тилларни билиб, элу юрт хизматига шай туришга, бурч ва масъулият туйғусини юксак қўйишга чақиради.

Алишер Навоий ижодида ҳамиша яхшилик, дўстлик, мардлик, саховат, қаноат, адолат, диёнат, олижаноблик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик каби фазилатлар улуғланиб, ёмонлик, ёлғон, ҳасад, риё, кибр, тамаъ, нафс сингари иллатлар қораланади. Айниқса, одамийлик, ватанпарварлик юксак жабҳаларда тараннум этилади. Шоир одамийликни инсон ҳаётининг файзи деб билади. Ул зот одамларни халқ ғами билан яшамоққа чорлайди. Халқ учун меҳнат қилмоқни одамийлик шарафи деб билади:

***Одамий эрсанг, демагил одами***
***Ониким, йўқ халқ ғамидин ғами.***

Халққа наф келтирмоқ Навоий учун олий саодат. Ул зот инсонга наф келтиришни энг олий бахт деб билиб, шундай дейди:

***Нафъинг агар халққа бешакдурур,***
***Билки, бу нафъ ўзунгга кўпракдурур.***

Шоирнинг теран мазмунли лўнда ҳикматлари халқ орасида шунчалик оммалашиб кетганки, улар маънавиятимиз дурдонаси сифатида дилимиздан чуқур жой олган. Айниқса, «Билмаганни сўруб ўрганган олим ва орланиб сўрамаган ўзига золим», «Оз ўрганиб доно бўлур, қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур», каби ҳикматлари юрагимизнинг туб-тубига сингиб кетган.

Мутафаккир шоир назмида кўнгил улуғ саждагоҳ. Кўнгилни хушнуд этиш Каъбани обод қилишга тенглаштирилади:

***Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлагай,***
***Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай.***

Фарзанд тарбиясида ота-онанинг ўрни ёҳуд фарзанднинг улар олдидаги бурчи ҳақидаги ўлмас сатрлари ҳам ёшлар тарбиясида ибрат мактаби бўлиб ҳисобланади:

***Бошни фидо айла ато қошиға,***
***Жисмни қил садқа ано бошиға.***
***Тун-кунунгға айлагали нур фош,***
***Бирисин ой англа, бирисин қуёш.***

Ушбу ҳикматлар асрлар ўтса-да ўз қимматини йўқотмай, балки тобора ортиб бораётир. Шоирнинг эзгуликни улуғлаб, ёвузликни қоралаб ёзган асарлари то ҳануз жамият манфаатларига хизмат қилиб, баркамол ёшларни тарбиялашда илм-маърифат аҳлига мукаммал дастуриламал бўлиб қолмоқда.

**Шоира РАУПОВА,**
**Тошкент шаҳридаги**
**64-мактабнинг она тили ва**
**адабиёт фани ўқитувчиси**

# «МУТАФАККИР ШОИР» ТОПҚИРЛИК МАШҚЛАРИ




**"ЙИЛНОМА" АЙЛАНМА КРОССВОРДИ.** Қуйида тарифлари баён этилган мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг ҳаёти, ижоди ҳамда унинг номини абадийлаштиришга оид саналарни шаклга белгиланган хонадан соат мили йўналишида ҳарф атрофига рақамлар билан ёзинг. **A.** Алишер Ҳирот шаҳрида таваллуд топган йил. **B.** Оиласи Ироққа кўчган ва ёш Алишер Тафт шаҳрида машҳур тарихчи, "Зафарнома" асари муаллифи Шарафиддин Али Яздий билан суҳбатда бўлган сана. **V.** Шоирнинг "Бадойе ул-бидоя" ("Бадиийлик ибтидоси") девонини тузишга киришилган йил. **G.** Мухлислари томонидан шоирнинг илк девони тузилган сана. **D.** Ҳусайн Бойқаро Ҳирот шаҳрини эгаллаган, Навоий Самарқанд шаҳридан қайтиб машҳур "Ҳилолия" қасидасини ёзган йил. **J.** Оиласи Ироқдан Ҳирот шаҳрига қайтган сана. **Z.** Навоий саройда вазир лавозимидаги хизматининг сўнгги йили. **I.** Навоий Ҳиротга қайтган, мамлакатни Абу Саид Мирзо бошқараётган сана. **Y.** "Вақфия" асарини ёзиб тугаллаган йил. **K.** "Хамса" достонларини ёзишга киришган сана. **L.** "Хамсат ул-мутаҳаййирин" асарини ёзишни бошлаган йил. **M.** "Мажолис ун-нафоис" ("Нафис мажлислар") тазкираси тузилган ҳамда "Лисон ут-тайр" ("Қуш тили") достони ёзилган йил. **N.** Астробод шаҳрига ҳоким этиб тайинланган сана. **O.** "Рисолаи муаммо" (яна бир номи "Муфрадот") асарини ёзган йил. **P.** Мамлакатимизда шоир достони асосида "Суҳайл ва Меҳри" балети саҳналаштирилган сана. **R.** Юртбошимиз ташаббуси билан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси давлат мукофоти таъсис этилган йил. **S.** Иззат Султон ва Уйғун томонидан ёзилган "Алишер Навоий" драмасининг сўнгги варианти саҳналаштирилган сана. **T.** "Тарихи мулки Ажам" китоби ёзилган йил. **U.** "Насойим ул-муҳаббат" ("Муҳаббат шабадалари") асари тугалланган сана. **F.** Юртбошимиз ташаббуси асосида улуғ шоир таваллудининг 550 йиллиги муносабати билан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Миллий боғи ташкил этилган йил. **X.** Республикамиздаги Навоий вилояти ташкил этилган йил. **E.** Алишер Навоий достони асосида "Дилором" операси саҳналаштирилган сана. **Q.** Навоийнинг қадрдон дўсти ва устози Паҳлавон Муҳаммад вафоти муносабати билан шоир "Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад" асарини ёзган йил. **H.** Устоз адиб Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек "Алишер Навоий" тарихий романини ёзиб тугаллаган йил.

**МУАММОНОМА Калит сўзлар: 1.** Алишер Навоий таълим олган тарихий шаҳар – **16, 2, 22, 2, 4, 20, 2, 3, 9.**

**2.** Навоий ҳикматларидан:
Билмаганни **16, 15, 4, 2, 11,** ўрганган олим,
Орланиб сўрамаган ўзига золим.

**3.** Шам ёритур уй ичу тошини,
Уй **28, 13, 2, 16, 1** кўпрак узар бошини.

**4.** Оламда китобдан азиз **9, 15, 16, 6** йўқдир.

**5.** Ҳар кимсаки, айламас ошуқмоқни хаёл,
Яфроғин ипак қилур, **25, 26, 25, 2, 21** баргини бол.

**6.** Назмий жанр – **19, 2, 8, 2, 5.**

**7.** Шоирнинг "Фарҳод ва Ширин" достони асосидаги мусиқали драмада устоз санъаткор Лутфихоним Саримсоқова гавдалантирган маккора аёл образи – **24, 16, 7, 22, 1, 3.**

**8.** Алишер Навоий устоз деб билган замондош мумтоз мутафаккир шоир - **17, 12, 22, 1, 10.**

**9.** Навоий ҳомийлик қилган мусаввир, миниатюра санъати устози - **11, 26, 27, 8, 12, 9.**

**10.** "Лайли ва Мажнун" достонидаги баҳодир ва олижаноб киши – **3, 2, 23, 29, 2, 5.**

**11.** Шоир достонидаги афсонавий от – **4, 2, 18, 14.**

Калит сўзлари жавоблари орқали шакл атрофидаги рақамларда яширинган муаммономани ҳал этинг. Бунда улардан буюк шоир ижоди ҳақида айтилган ибратли сўзлар ва унинг муаллифини билиб оласиз.

**Фозилжон ОРИПОВ**

*Ҳазрат Алишер Навоийнинг сўнмас ва ўлмас шеърияти бизга инсонни — ҳақиқий инсон, миллатни — қудратли миллат, юртни — эркин юрт қиёфасида кўриш ва мукаммал билишни ўргатади. Навоийни билиш одамни маънан ва руҳан баландга кўтаради.*

# Комиллик орзуси

Оллоҳ таоло яратган борлиқлар орасида энг улуғи, энг шарафлиси Инсон ва унинг камолига ҳамма нарса, ҳатто ақл ҳам ҳайрон, деган фикр Алишер Навоийнинг асарларида қайта-қайта таъкидланган. Дарҳақиқат, инсоннинг дунёга келиши ва онгли ҳаёт кечиришидан бош мақсад камолотга эришувдир. Комиллик туйғуси — фақат инсонга хос туйғу. Чунки мушоҳада завқини тотиш, танқидий нуқтаи назардан ўзига ўзи баҳо бера олиш ва ноқисликларини бартараф айлаб, мукаммал бир ўзликка соҳиб бўлиш ёлғиз инсонга насиб қилувчи салоҳият эрур. Демак, шахснинг ҳаётдаги асосий мақсади комиллик саодатидан бенасиб бўлмаслиқдир.

Алишер Навоий нуқтаи назарида комилликнинг муҳташам пойдевори ҳам, олий чўққиси ва сўнмас нур манбаи ҳам ишқдир. Мутафаккир шоирнинг:

***Бўлмаса ишқ — икки жаҳон бўлмасун,***
***Икки жаҳон демаки, жон бўлмасун, —***

деган мантиқий инкорининг замирида ғоятда буюк эътироф ётади. Чунончи, комилликнинг дахлсиз шарти — ишқ ва ошиқликдаги комиллик эрур. Шу ўринда ошиқликнинг энг эътиборли бир сифатини қайд этиб ўтиш зарурга ўхшайди. Жалолиддин Румий "Маснавий"сида "Рўзҳо бо сўзиҳо ҳамроҳ шуд" — "Кунлар ёнишлар билан ҳамроҳ бўлди" демиш. Навоийда ҳам ошиқлик камолоти фақат дард ва изтиробда эмас, ёниш, ёлқинли кўнгил билан яшашдадир. Буни алоҳида таъкидлашимизнинг яна бир жиҳати бор. Шарқнинг буюк файласуф шоири Муҳаммад Иқбол диний маҳдудлик ва ҳар турли ақидапарастлик иллатлари хусусида тўхталиб: "Мусулмоннинг табиати ишқ туфайли баланд эрур. Мусулмон агар ошиқ бўлмаса кофирдир", — дейди. Навоий эса ишқ кофир нафсни мусулмон айлашига тўла ишонч билдирган. Буни Навоийнинг комиллик тўғрисидаги қарашларининг таянч нуқтаси дейиш мумкиндир.

Комил инсоннинг таъриф-тавсифи учун Навоий неча ўнлаб улуғ зотлар — пайғамбарлар, машҳур шайхлар, ориф ва дарвешларнинг сифату хислатларига диққатни жалб этади, аммо ҳеч қачон ишқ гўзаллиги, ишқ ва изтиробнинг оламшумул моҳиятини ёддан чиқармайди. Бу эса, ўз навбатида, поэтик маъно ва образли ифодаларнинг узлуксиз равишда янгиланиб боришига кенг йўл очгандир.

Алишер Навоийнинг комиллик ҳақидаги фикр - қарашлари, асосан тўрт устувор асосга таянади. Булар: Ахлоқ гўзаллиги, Қалб поклиги, Руҳоният қудрати ва Тафаккур балоғати. Навоий Комил инсон деганда нафсоний эҳтиёж ва талаблардан ғолиб келган ва мутлақ тарзда маънавий-руҳий ҳурриятга эришган инсондаги янги ва ҳар жиҳатдан ибратли "Мен"ни назарда тутган. Бу "Мен" эса энг собит, энг ёруғ дунёвий ҳамда илоҳий ҳақиқатларнинг бош меҳваридир. Шунинг учун Навоий шеъриятида тасвирланган Комил инсон муаммоси тадқиқ этилганда ана шу "Мен"нинг ботиний ҳаёт йўли, руҳий юксалиши ва кўнгил оламидаги ўзгаришларга алоҳида диққат қилиш ниҳоятда зарур.

Комиллик тўғрисида баҳс юритилган айрим асарларни ўқиганда, комиллик мақоми замин одамига насиб этмайдиган бир идеалга ўхшаб туюлади. Тўғри, Комил инсон даражасига кўтарилиш жуда сермашаққат, кўп риёзат ва назоратни талаб этадиган иш. Тасаввуф таълимотида белгиланган комиллик шартлари янада мураккаб. Навоий бу масалада "аҳли маъни" ҳақиқатини биринчи ўринга олиб чиққан ва уни бевосита юрт, миллат, дин, имон, виждон, инсон севгиси кабилар билан уйғунликда бадиий талқин қилиб берган.

Алишер Навоийнинг Инсони комил баҳсидаги фикр-мулоҳазаларини дин ва шариат, тасаввуф ва тариқат мафкураси билан чегаралаш албатта тўғри эмас. Чунки ҳамма даҳо санъаткорларга ўхшаб Навоийнинг дунёқараши миллий заминдан, миллий қадрият ва фазилатлардан қувватланиб борган. Абу Усмон Амр бин Баҳр ал-Жоҳизнинг "Фазоъил ал-атрок", яъни "Туркларнинг фазилатлари" деб номланган китобида шундай дейди: "Туркийлар араблардан бошқа миллатлар орасида ватан севгиси энг юксак бўлган миллатдир. Чунки уларнинг вужудларида ўзга миллатлар соҳиб бўла олмаган даражада мамлакатларига, тупроқларига боғлиқлик, ўхшашлик ва садоқат бордир...".

Навоий Комил инсон мавқеи ва истиқболи тўғрисида қайғураркан, авлоддан-авлодга мерос бўлиб келган ана шу хислатларни назардан соқит қилмаганлиги ҳам шубҳасиздир. Зеро, Навоий фикри очиқ, имон-эътиқоди хатолик ва ожизликлардан озод, руҳонияти соғлом, тўғрилик, ростлик ва ҳақиқатни умрининг туб моҳияти деб билган эл учун асарлар яратиш эҳтиёжини ниҳоятда теран мушоҳада қилмаганида Комил инсон мавзусини бунчалик илҳом билан ёритмаган бўларди.

**Иброҳим ҲАҚҚУЛ,**
**филология фанлари доктори**

**MUASSIS:**
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

**Bosh muharrir**
Jahongir Sharofboyev

**Tahrir hay'ati:**
Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov *(bosh muharrir o'rinbosari)*, Akmal Toshev

**BO'LIMLAR:**
**Kasaba uyushmalari hayoti** — 256-87-63
**Huquq va xalqaro hayot** — 256-64-69
**Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport** — 256-82-79
**Xatlar va muxbirlar bilan ishlash** — 256-85-43
**Reklama va e'lonlar** — 256-87-73

**Manzilimiz:**
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

**HUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:**
**Qoraqalpog'iston Respublikasi** — (+998-91) 268-92-32
**Andijon** — (+998-91) 475-23-60
**Buxoro** — (+998-93) 653-50-81
**Jizzax** — (+998-91) 943-67-44
**Namangan** — (+998-90) 260-50-77
**Samarqand** — (+998-97) 915-50-87
**Sirdaryo** — (+998-90) 610-95-55
**Surxondaryo** — (+998-95) 502-68-99
**Farg'ona** — (+998-91) 141-27-70
**Xorazm** — (+998-90) 719-48-00
**Qashqadaryo** — (+998-91) 467-30-01

**Navbatchi muharrir:**
A.Abdullayev
**Navbatchi:**
J.Ergashev
**Musahhih:**
S.Shodiyeva
**Sahifalovchi:**
H.Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti — **20:55**
Topshirildi — **21:20**
1 2 3 4 5

**«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.**
**Korxona manzili:**
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
**Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.**
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma Г — 215.
21870 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi: 133